

**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ШЕРМАТОВА ЗАРИНА ҲАКИМ ҚИЗИ

**БЕШ ЎЛЧАМЛИ ЕЧИЛУВЧАН ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИ ВА
БАЪЗИ ТЎЛА ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

01.01.06 – Алгебра

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

Шерматова Зарина Ҳаким қизи

Беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари ва баъзи тўла Лейбниц алгебраларининг таснифи3

Shermatova Zarina Khakim qizi

Classification of five-dimensional solvable Leibniz algebras and certain complete Leibniz algebras.....19

Шерматова Зарина Ҳаким қизи

Классификация пятимерных разрешимых алгебр Лейбница и некоторые полные алгебры Лейбница.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....36

**В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ШЕРМАТОВА ЗАРИНА ҲАКИМ ҚИЗИ

**БЕШ ЎЛЧАМЛИ ЕЧИЛУВЧАН ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИ ВА
БАЪЗИ ТЎЛА ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

01.01.06 – Алгебра

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/FM443 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://kengash.mathinst.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziyounet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аюпов Шавкат Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Каримжанов Иқболжон Абдулазизович
физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «29» март соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (132-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил «11» март куни тарқатилди.
(2022 йил «11» мартдаги 2-рақамли реестр баённомаси).




У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор


Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим


Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида назарий физика фани каби математиканинг ҳам кўплаб объектлари ноассоциатив алгебра усуллари орқали ўрганилмоқда. Жумладан, Ли ва Йордан алгебралари квант механикасининг предмети сифатида вужудга келган. Бошқа томондан эса Ли алгебралари ноассоциатив алгебра бўлиб, Ли группаларининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Дастлаб, Ли алгебралари назариясини ривожлантиришда улар асосан Ли группаларининг татбиқлари сифатида қаралган бўлса, кейинчалик мустақил характерга эга назария бўлиб шаклланди. Ли группаларида мавжуд бўлган кўплаб тушунча ва хусусиятлар Ли алгебралари учун ҳам аниқланиб, кейинчалик улар Ли алгебраларининг бир қатор умумлашмалари учун ҳам кенгайтирилган. Ли алгебраларининг муҳим умумлашмаларидан бири бўлган Лейбниц алгебралари тўлалигини аниқлаш, уларнинг ички ва ташқи дифференциаллашларини топиш ва таснифлаш масалалари замонавий алгебранинг долзарб ва муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Лейбниц алгебралари кўпхиллигида барча тўла Ли алгебраларини ўз ичига олувчи бир қанча синфлар мавжуд бўлганлиги учун тўла Лейбниц алгебралари тушунчасини аниқлашда бир нечта омилларга таянишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам тўла Лейбниц алгебралари тушунчасини киритишда бир нечта олимлар томонидан турлича ёндашувлар бўлиб, кейинчалик Ли алгебраларида бўлгани каби барча дифференциаллашлари ички ҳамда маркази тривиал бўлган Лейбниц алгебраларини тўла деб аташ қабул қилинган. Бундай алгебралар когомологик нуқтаи назардан ҳам муҳим бўлиб, кўплаб тўла Лейбниц алгебралари когомологик қаттиқ алгебралар синфига тегишлидир. Бу борада: тўла Лейбниц алгебраларини таснифлаш, тўла идеалга эга бўлган Лейбниц алгебраларини ажраладиган эканини кўрсатиш, берилган алгебраларнинг ташқи дифференциаллашларга эгаллигини исботлаш, Лейбниц алгебраларини тавсиф қилиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган математика, физика, геология ва биология фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, ноассоциатив алгебраларга оид фундаментал тадқиқотларнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу фундаментал тадқиқотлар доирасида тўла Лейбниц алгебраларини ўрганиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида тўла

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

Лейбниц алгебралари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Барча дифференциаллашлари ички ва маркази нолга тенг бўлган Ли алгебралари биринчи марта М.Готонинг ишларида фойдаланилган, лекин бу вақтда бундай хусусиятга эга алгебралар кам сонли бўлганлиги учун уларнинг аҳамияти етарли даражада тушунилмаган. Э.Шенкман томонидан ўрганилган қисм инвариантлар назарияси ёрдамида тўла Ли алгебраларининг ҳосил бўлиши бундай алгебраларни ўрганишга туртки бўлган дастлабки муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Тўла Ли алгебраси атамаси Н.Жекобсон томонидан илк марта қўлланилган бўлиб, тўла идеалга эга бўлган ихтиёрий чекли ўлчамли Ли алгебраси ажраладиган бўлиши исботланган. Сўнгги йилларда турли олимлар тўла Ли алгебраларининг таснифи ҳамда структуравий хусусиятларига эътибор қаратдилар. Д.Менг ихтиёрий чекли ўлчамли тўла Ли алгебрасини содда тўла идеалларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ёйиш мумкинлигини ҳамда бу ёйилма идеаллар тартиби аниқлигида ягоналигини исботлаган. Й.Гао ҳамда Д.Менг нильрадикали l -даражали алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Ли алгебрасининг тўла бўлиши учун зарурий ва етарлилик шартларини ва ечилувчан бўлмаган тўла Ли алгебрасини қуриш усулини берган.

Ли алгебрасига ўхшаш тарзда Ж.М.Анкочеа ва Р.Кампоамор-Стурсберг томонидан тўла Лейбниц алгебраси тушунчаси киритилган. Улар томонидан нильрадикали нол-филиформ алгебрага изоморф бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраси тўла бўлиши исботланган. Кейинчалик, Ж.К.Адашев ва бошқалар томонидан нильрадикали табиий усулда градуирланган p -филиформ алгебра, шу билан бирга нильрадикалнинг ко-ўлчами максимал бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тўлаллиги кўрсатилган. Бундан ташқари, Б.А.Омиров ва Ў.Х.Мамадалиевлар томонидан нильрадикали ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга бўлган тўла ечилувчан Лейбниц

алгебралари таснифланган. Шунингдек, Қ.К.Абдурасулов томонидан нильрадикалининг ко-ўлчами ҳосил қилувчи элементлар сонига тенг бўлган ихтиёрий ечилувчан Лейбниц алгебраси тўла эканлиги кўрсатилган.

Лейбниц алгебраларининг структуравий назариясида уларнинг ҳар қандай синфини изоморфизм аниқлигида таснифлаш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Икки ва уч ўлчамли Лейбниц алгебралари Ж.-Л.Лоде, Б.А.Омиров, Ж.М.Казас ва бошқалар томонидан таснифланган. А.Х.Худойбердиев ва Э.М.Канъете томонидан эса барча тўрт ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифи олинган. Таъкидлаш жоизки, беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг нильрадикали уч ёки тўрт ўлчамли бўлиб, нильрадикали уч ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тавсифи А.Х.Худойбердиев, И.С.Рахимов ва Ш.К.Саид Хусейнларнинг ишларида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институтининг «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос + Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага татбиқлари» (ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87, 2017-2019 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик ўлчамли ечилувчан ва тўла идеалга эга бўлган чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг структурасини аниқлаш ҳамда Лейбниц алгебраларининг марказий ва нильпотент дифференциаллашларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари дифференциаллаш алгебраларининг нильпотентлик хоссаларини ҳамда Лейбниц алгебраларининг марказий ва ташқи дифференциаллашларини топиш;

тўла радикалга эга бўлган Лейбниц алгебраларини қуриш.

Тадқиқотнинг объекти. Чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари, ечилувчан Лейбниц алгебралари, Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашлар алгебраси.

Тадқиқотнинг предмети. Чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг структуравий назарияси, ечилувчан ва нильпотент Лейбниц алгебралари назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда структуравий ўзгармаслар ҳамда классификациялаш усуллари, индукция усули, шунингдек инвариантлар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц

алгебралари таснифланган;

Лейбниц алгебраларининг бир вақтда марказий ва ички дифференциаллашлари топилган ҳамда нотривиал марказга эга бўлган Лейбниц алгебрасида марказий дифференциаллашлар тўплами ички дифференциаллашлар тўплами билан устма-уст тушиши учун Лейбниц алгебраси метабел алгебра бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган;

ечилувчан идеалининг нильрадикали ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга нильпотент алгебрага изоморф бўлган Лейбниц алгебраси ажраладиган эканлиги исботланган;

радикали нильрадикалнинг максимал кенгайтмасидан иборат бўлган Лейбниц алгебраси идеалларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ифодаланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертацияда олинган натижалар ва фойдаланилган методларни олий ўқув юртлари магистрантлари ва таянч докторантлари учун махсус курсларда ўқитиш мумкин. Шунингдек, қаралган баъзи тўла радикалга эга бўлган Лейбниц алгебраларининг структураси ихтиёрий тўла идеалли Лейбниц алгебралари ҳақидаги гипотезани текширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижалар дифференциаллашлар назариясини, алгебранинг бошқа синфларини текширишдаги маълум методларни, алгебралар назариясидаги фундаментал натижаларини қўллаш орқали олинганлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг исботлари математик жиҳатдан тўғри.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган натижалардан турли алгебраларнинг қўпхиллигини тадқиқ қилишда, хусусан, диссертацияда келтирилган усул ва методларни қўллаб, тўла идеалга эга бўлган ихтиёрий Лейбниц алгебрасининг ажраладиган бўлиши ҳақидаги тасдиқни ҳал қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда олинган натижалар тўла Лейбниц алгебраларининг таснифлари ва хоссалари ҳақида гипотезалар яратишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари ва баъзи тўла Лейбниц алгебраларининг таснифи бўйича олинган натижалар асосида:

Нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифидан ОТ–Ф4–31 рақамли «Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексада полиномиал каскадлар» мавзусидаги фундаментал лойиҳада нильрадикали квази-филиформ алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 17-январдаги 04/11–229-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши, нильрадикали берилган кичик ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлаш

имконини берган;

Лейбниц алгебраларининг ташки дифференциаллашлари учун олинган натижалардан OT-4-27 рақамли «Йордан учликлари олд қўшма фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада чекли ўлчамли филиформ Лейбниц алгебраларининг деярли ички дифференциаллашларини ўрганишда фойдаланилган (Қорақалпоқ давлат университетининг 2022 йил 17-январдаги 01-21-04/46-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши, Лейбниц алгебраларининг деярли ички дифференциаллашлари таснифини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 86 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари**” деб номланувчи биринчи бобида диссертация ишида фойдаланилган зарурий тушунчалар киритилган ҳамда нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифлари берилган.

1-таъриф. \mathbb{F} майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[x, [y, z]] = [[x, y], z] - [[x, z], y],$$

L алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда $[-, -]$ – L алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

Диссертация ишида комплекс сонлар майдонида берилган чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари қаралади. Берилган Лейбниц алгебрасининг элементлари квадратларидан тузилган $I = \text{span}\{[x, x] \mid x \in L\}$ қисм фазо Лейбниц алгебрасининг идеали бўлади. Бу I идеал L/I фактор-алгебра Ли алгебраси бўладиган энг кичик идеалдир.

Берилган Лейбниц алгебраси учун қуйидаги ўнг аннулятор ва марказ деб аталувчи идеалларни аниқлаймиз:

$$\text{Ann}_r(L) = \{x \in L \mid [y, x] = 0, \forall y \in L\},$$

$$\text{Center}(L) = \{x \in L \mid [x, y] = [y, x] = 0, \forall y \in L\}.$$

Лейбниц алгебрасининг марказида ётувчи идеалга алгебранинг *марказий идеали* дейилади.

Ихтиёрий $x, y \in L$ элементлар учун $d([x, y]) = [d(x), y] + [x, d(y)]$ муносабатни қаноатлантирувчи $d: L \rightarrow L$ чизикли акслантиришга Лейбниц алгебрасининг *дифференциаллаши* дейилади. Лейбниц алгебрасининг барча дифференциаллашлар тўплами $\text{Der}(L)$ коммутатор амалига нисбатан Ли алгебрасини ҳосил қилади, яъни,

$$[d, d'] = d \circ d' - d' \circ d, \forall d, d' \in \text{Der}(L).$$

Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий x элементи учун R_x ўнгдан кўпайтириш оператори дифференциаллаш бўлиб, бундай дифференциаллашлар *ички дифференциаллашлар* деб аталади. Лейбниц алгебрасининг барча ички дифференциаллашлари тўпламини $\text{InnDer}(L)$ орқали белгилаймиз. Ички бўлмаган дифференциаллашга эса *ташқи дифференциаллаш* дейилади.

2-таъриф. Агар L Лейбниц алгебрасида аниқланган d дифференциаллаш учун $d(L) \subseteq \text{Center}(L)$ шарт бажарилса, бундай дифференциаллашга *марказий дифференциаллаш* дейилади.

Лейбниц алгебрасининг барча марказий дифференциаллашлари тўплами $\text{CDer}(L)$ орқали белгиланади. Таъкидлаш жоизки, $\text{CDer}(L)$ тўплами $\text{Der}(L)$ Ли алгебрасининг идеали бўлади.

3-таъриф. Маркази тривиал ва барча дифференциаллашлари ички бўлган Ли алгебрасига тўла алгебра дейилади.

1-мисол. а) Характеристикаси нолга тенг бўлган майдон устида берилган ярим содда Ли алгебралари тўладир.

б) Ўлчами 2 га тенг бўлган абел бўлмаган Ли алгебраси тўладир.

$$r_2 : [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_1.$$

4-таъриф. Тўла идеалга эга бўлмаган тўла Ли алгебрасига содда тўла алгебра дейилади.

Характеристикаси нолга тенг бўлган майдон устида берилган содда Ли алгебралари ва r_2 алгебралар содда тўла бўлади.

Тўла Лейбниц алгебраларининг таърифи Ли алгебраларига ўхшаш тарзда Ж.М.Анкочеа ва Р.Кампоамор-Стурсберглар томонидан киритилган.

5-таъриф. Маркази тривиал ва барча дифференциаллашлари ички бўлган Лейбниц алгебрасига тўла алгебра дейилади.

Энди содда тўла Лейбниц алгебраларининг таърифини киритамиз.

6-таъриф. Тўла идеалга эга бўлмаган L тўла Лейбниц алгебрасига содда тўла алгебра дейилади.

Ихтиёрий L Лейбниц алгебраси учун қуйи марказий ҳамда ҳосилавий қаторлар деб аталувчи қуйидаги идеаллар кетма-кетлигини аниқлаймиз:

$$L^1 = L, L^{k+1} = [L^k, L], k \geq 1, \quad L^{[1]} = L, L^{[k+1]} = [L^{[k]}, L^{[k]}], k \geq 1.$$

7-таъриф. Агар L Лейбниц алгебраси учун шундай s натурал сон мавжуд бўлиб, $L^s = \{0\}$ (мос равишда, $L^{[m]} = \{0\}$) ўринли бўлса, у ҳолда L Лейбниц алгебрасига нильпотент (мос равишда, ечилувчан) алгебра дейилади. Шундай шартни қаноатлантирувчи энг кичик s сонга L алгебраларининг нильпотентлик индекси дейилади.

Лейбниц алгебраларининг максимал нильпотент (мос равишда, ечилувчан) идеали алгебраларининг нильрадикали (мос равишда, радикали) дейилади.

Кейинги таърифда характеристик кетма-кетлик тушунчасини келтирамыз. Нильпотент бўлган L Лейбниц алгебрасида L/L^2 тўпламдан олинган ихтиёрий x элементи учун R_x чизикли операторнинг Жордан катаклари ўлчамларини камайиш тартибида ёзишдан ҳосил бўлган $C(x)$ кетма-кетликни аниқлаймиз. Бундай кетма-кетликлар тўпламида лексикографик тартибни қараймиз.

8-таъриф. Қуйида берилган кетма-кетликка

$$C(L) = \max_{x \in L/L^2} C(x)$$

L нильпотент Лейбниц алгебраларининг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

9-таъриф. $C(L) = (n - p, \underbrace{1, \dots, 1}_p)$ характеристик кетма-кетликка эга бўлган L Лейбниц алгебрасига p -филиформ Лейбниц алгебраси дейилади.

Агар $p=0$ бўлса, L Лейбниц алгебрасини *нол-филиформ*, $p=1$ бўлганда эса *филиформ* алгебра деб аталади. Ш.А. Аюпов ва Б.А. Омировлар томонидан ихтиёрий n -ўлчамли нол-филиформ Лейбниц алгебраси қуйидаги алгебрага изоморфлиги исботланган:

$$NF_n : [e_i, e_1] = e_{i+1}, \quad 1 \leq i \leq n-1.$$

Энди Лейбниц алгебралари учун соддалик ва ярим соддалик тушунчалари таърифларини келтирамыз.

Фақатгина $\{0\}$, I , L идеалларга эга бўлиб, $L^2 \neq I$ шартни қаноатлантирувчи L Лейбниц алгебрасига *содда* дейилади.

10-таъриф. Радикали I идеалдан иборат бўлган Лейбниц алгебрасига ярим содда алгебра дейилади.

2012 йилда Д. Барнс томонидан Лейбниц алгебралари учун Леви теоремаси исботланган бўлиб, ихтиёрий чекли ўлчамли комплекс Лейбниц алгебраси ечилувчан радикал ва ярим содда Ли алгебраларининг ярим тўғри йиғиндиси кўринишида ёйилиши кўрсатилган. Шунинг учун чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларни қуришда ечилувчан Лейбниц алгебралари муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи бобнинг асосий мақсади беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларини тасниф қилишдан иборат. Маълумки, беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари нилрадикалининг ўлчами уч ёки тўртга тенг бўлади. А.Х.Худойбердиев ва бошқалар томонидан нилрадикали уч ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланганлиги учун биз нилрадикал тўрт ўлчамли бўлган ҳолатни қараймиз. Нильиндекси 5 ёки 4 га тенг бўлган алгебралар мос равишда нол-филиформ ёки филиформ Лейбниц алгебраси ҳисобланиб, И.А.Каримжанов ва бошқаларнинг ишларида нилрадикали нол-филиформ ёки филиформ алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифлари берилган, шу билан бир қаторда Ж.К.Адашев томонидан нилрадикали абел алгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган. Шунинг учун биз нилрадикалнинг нильпотентлик индекси 3 га тенг бўлган ҳолни қараймиз.

Маълумки, нильпотентлик индекси 3 га тенг бўлган ихтиёрий тўрт ўлчамли нильпотент Ли алгебраси қуйидаги алгебрага изоморф бўлади:

$$\nu: [e_1, e_2] = e_3, \quad [e_2, e_1] = -e_3.$$

Биз қуйидаги теоремада нилрадикали ν алгебрадан иборат бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифини берамиз.

1-теорема. Айтайлик, R нилрадикали ν алгебрадан иборат бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда R алгебра қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$R_1(\alpha, \beta, \sigma_3, \sigma_4): \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = \alpha e_3 + \beta e_4, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1, & [x, x] = \sigma_3 e_3 + \sigma_4 e_4, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = -e_2. \end{cases}$$

$$R_2(\beta, \sigma): \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = e_4, \\ [e_1, x] = e_1 + \beta e_4, & [x, e_1] = -e_1, \\ [e_2, x] = -e_2 - e_4, & [x, e_2] = e_2, \\ & [x, x] = \sigma e_3. \end{cases}$$

$$R_3(\alpha, \sigma): \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = e_4, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_2, & [x, x] = \sigma e_3, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = \alpha e_3. \end{cases}$$

$$R_4(\alpha, \beta, \sigma): \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = -[x, e_4] = \alpha e_3 + \beta e_4, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1 + \sigma e_4, & [x, x] = e_3, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = -e_2. \end{cases}$$

$$R_5(\alpha, \beta, \sigma): \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_1, x] = e_2, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = \alpha e_3, & [x, e_1] = -e_2 - \beta e_3, \\ [e_4, x] = -[x, e_4] = e_4, & [x, x] = \sigma e_3. \end{cases}$$

$$\begin{aligned}
R_6(\alpha) &: \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = \alpha e_3, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1, & [x, e_4] = e_3, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = -e_2. \end{cases} \\
R_7(\beta) &: \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_4, x] = -[x, e_4] = e_4, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1 + \beta e_4, & [x, x] = e_3, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = -e_2 - e_4. \end{cases} \\
R_8(\alpha, \beta, \gamma, \alpha_{4,4}, \sigma) &: \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_3, x] = -[x, e_3] = \alpha e_3, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1 + \beta e_4, & [e_4, x] = \alpha_{4,4} e_4, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = (\alpha - 1)e_2 + \gamma e_4, & [x, x] = \sigma e_4. \end{cases} \\
R_9(\alpha, \beta, \gamma, \delta, \sigma) &: \begin{cases} [e_1, e_2] = -[e_2, e_1] = e_3, & [e_2, x] = \alpha e_4, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = e_1 + \delta e_4, & [x, e_2] = \beta e_4, \\ [e_3, x] = -[x, e_3] = e_3, & [e_4, x] = \gamma e_4, \\ & [x, x] = \sigma e_4, \end{cases}
\end{aligned}$$

бу ерда алгебралар синфидаги параметрлар куйидагича ўзгаради:

$$R_1(\alpha, \beta, \sigma, \delta): (0, 0, 0, 1); (1, 0, 0, 0); (1, 0, 0, 1); (0, \beta, 0, 0), \beta \neq 0; (0, \beta, 1, 0).$$

$$R_2(\alpha, \beta): (0, 0); (1, 0); (0, 1); (1, 1).$$

$$R_3(\alpha, \sigma): (0, 0); (0, 1); (1, \sigma).$$

$$R_4(\alpha, \beta, \sigma): (\alpha, 0, 0), \alpha \neq 0; (0, \beta, 0), \beta \neq 0.$$

$$R_5(\alpha, \beta, \sigma): (0, 1, 0); (0, \beta, 1); (1, \beta, \sigma).$$

$$R_6(\alpha): \alpha \neq -1.$$

$$R_7(\beta): \{0\}; \{1\}.$$

$$R_8(\alpha, \beta, \gamma, \delta, \sigma): (2, 1, 0, 0, 1); (2, 1, 0, \delta, 0), \delta \neq 0; (\alpha, 0, 0, 0, 1), \alpha \neq \{0; 1; 2\};$$

$$(\alpha, 0, 0, \delta, 0), \alpha \neq \{0; 2\}, \delta \neq 0.$$

$$R_9(\alpha, \beta, \gamma, \delta, \sigma): (0, 0, 1, 1, 0); (1, \beta, 0, 0, \sigma); (\alpha, -\alpha, 0, 0, \sigma).$$

Биз куйида нильиндекси 3 га тенг бўлган барча тўрт ўлчамли нильпотент Лейбниц алгебралар рўйхатини келтирамиз.

$$\lambda_1: [e_1, e_2] = e_3, [e_2, e_1] = e_4, [e_2, e_2] = -e_3;$$

$$\lambda_2(\alpha): [e_1, e_1] = e_3, [e_1, e_2] = e_4, [e_2, e_1] = -\alpha e_3, [e_2, e_2] = -e_4;$$

$$\lambda_3: [e_1, e_1] = e_4, [e_1, e_2] = e_4, [e_2, e_1] = -e_4, [e_3, e_3] = e_4;$$

$$\lambda_4: [e_1, e_1] = e_4, [e_1, e_2] = e_3, [e_2, e_1] = -e_3, [e_2, e_2] = -2e_3 + e_4;$$

$$\mu_1(\alpha): [e_1, e_1] = e_4, [e_1, e_2] = \alpha e_4, [e_2, e_1] = -\alpha e_4, [e_2, e_2] = e_4,$$

$$[e_3, e_3] = e_4;$$

$$\mu_2: [e_1, e_2] = e_4, [e_1, e_3] = e_4, [e_2, e_1] = -e_4, [e_2, e_2] = e_4,$$

$$[e_3, e_1] = e_4;$$

$$\begin{aligned}
\mu_3: & \quad [e_1, e_2] = e_3, \quad [e_2, e_1] = e_4; \\
\mu_4: & \quad [e_1, e_1] = e_4, \quad [e_1, e_2] = e_3, \quad [e_2, e_1] = -e_3; \\
\mu_5: & \quad [e_1, e_1] = e_3, \quad [e_1, e_2] = e_4; \\
\mu_6: & \quad [e_1, e_2] = e_4, \quad [e_2, e_1] = -e_4, \quad [e_3, e_3] = e_4. \\
\mu_7(\alpha): & \quad [e_1, e_2] = e_4, \quad [e_2, e_1] = \frac{1+\alpha}{1-\alpha}e_4, \quad [e_2, e_2] = e_3, \quad \alpha \neq 1.
\end{aligned}$$

Навбатдаги тасдиқда нильрадикали $\lambda_1, \lambda_2(\alpha), \lambda_3, \lambda_4$ алгебралардан бирига изоморф бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари билан боғлиқ натижани келтирамыз.

1-тасдиқ. Нильрадикали $\lambda_1, \lambda_2(\alpha), \lambda_3, \lambda_4$ алгебралардан бирига изоморф бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраси мавжуд эмас.

2-теорема. Айтайлик, R нильрадикали $\mu_1(\alpha)$ алгебрага изоморф бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда R қуйидаги алгебрага изоморф бўлади:

$$I_1(\alpha): \begin{cases} [e_1, e_1] = e_4, & [e_1, x] = e_1 - \alpha e_2, & [x, e_1] = -e_1 + \alpha e_2, \\ [e_1, e_2] = \alpha e_4, & [e_2, x] = \alpha e_1 + e_2, & [x, e_2] = -\alpha e_1 - e_2, \\ [e_2, e_1] = -\alpha e_4, & [e_3, x] = e_3, & [x, e_3] = -e_3, \\ [e_2, e_2] = e_4, & [e_4, x] = 2e_4, & [e_3, e_3] = e_4. \end{cases}$$

Юқоридаги теоремага ўхшаш тарзда нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган барча беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган:

- нильрадикали μ_2 алгебрага изоморф бўлган битта беш ўлчамли ечилувчан алгебра мавжуд;
- нильрадикали μ_3 бўлган иккита алгебра мавжуд;
- нильрадикали μ_4 бўлган тўртта алгебра мавжуд;
- нильрадикали μ_5 бўлган иккита алгебра мавжуд;
- нильрадикали μ_6 бўлган учта алгебра мавжуд;

Диссертациянинг “**Баъзи Лейбниц алгебраларининг ташқи, нильпотент ва марказий дифференциаллашлари**” деб номланган иккинчи боби Лейбниц алгебралари дифференциаллашлар алгебрасининг нильпотентлигини, ташқи ва марказий дифференциаллашларини ўрганишга бағишланган. Биз ушбу бобда ажраладиган Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашларини қараймиз ҳамда ташқи дифференциаллашлар мавжудлигидан баъзи тўла бўлмаган Лейбниц алгебраларни ҳосил қиламыз. Лейбниц алгебраларининг марказий дифференциаллашлар тўплами билан ички дифференциаллашлар тўпамини таққослаш орқали Лейбниц алгебраларининг хоссаларини аниқлаймиз.

3-теорема. Айтайлик, L Лейбниц алгебраси A идеал ва M қисм алгебраларнинг йиғиндиси кўринишида $L=M+A$ каби тасвирланган бўлсин. Агар A идеал учун $A^2=\{0\}$ ва $A \neq [A, Ann_r(M)]$ шартлар ўринли бўлса, у ҳолда L Лейбниц алгебраси ташқи дифференциаллашга эга бўлади.

Энди характеристик нильпотент Лейбниц алгебралар тушунчасини келтирамыз.

11-таъриф. Барча дифференциаллашлари нильпотент бўлган Лейбниц алгебрасига характеристик нильпотент алгебра дейилади.

2-тасдиқ. Агар L характеристик нильпотент Лейбниц алгебраси бўлса, у ҳолда қуйидаги муносабатлар ўринли:

- (1) L алгебранинг маркази L^2 қисм алгебрада ётади;
- (2) $L^3 \neq \{0\}$.

4-теорема. L нильпотент Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар L иккита идеалларнинг тўғри йиғиндиси кўринишида ифодаланган ҳамда идеалларидан бири марказий идеал бўлса, у ҳолда $\text{Der}(L)$ алгебра нильпотент бўлмайди.

5-теорема. L Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар L алгебранинг маркази L^2 қисм алгебрада ётмаса, у ҳолда $\text{Der}(L)$ алгебра нильпотент бўлмайди.

Энди биз Лейбниц алгебраларининг ҳам ички, ҳам марказий бўлган дифференциаллашларини ўрганамиз, бундай дифференциаллашлар учун қуйидаги тасдиқни келтирамиз.

3-тасдиқ. L Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар R ва R_1 мос равишда L ҳамда L^2 алгебраларнинг радикаллари бўлса, у ҳолда қуйидаги муносабатлар ўринли бўлади:

$\text{InnDer}(L) \cap \text{CDer}(L) = \text{InnDer}(Z_1)$, бу ерда $Z_1 = \{l \in L \mid [L, l] \subseteq \text{Center}(L)\}$.

$\text{InnDer}(L) \cap \text{CDer}(L) \subset \text{InnDer}(Z_2)$, бу ерда $Z_2 = \{r \in R \mid [R_1, r] = 0\}$.

Ихтиёрий абел бўлмаган нильпотент Ли алгебраси учун $\text{InnDer}(L) \cap \text{CDer}(L) \neq \{0\}$ шарт ўринли бўлиб, Лейбниц алгебраларида эса бу шарт ҳар доим ҳам ўринли бўлавермайди.

6-теорема. Айтайлик, радикали R ва $\text{CDer}(L) \subset \text{InnDer}(L)$ шартни қаноатлантирувчи L Лейбниц алгебраси берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли:

(1) Агар R радикал абел алгебраси бўлса, у ҳолда $\text{Center}(L) = \{0\}$ ёки $L = L^2$ тенгликлардан бири бажарилади.

(2) Агар $\text{Center}(L) \neq \{0\}$ ва $\text{CDer}(L) \neq \{0\}$ бўлса, у ҳолда R радикал абел алгебраси бўлмайди.

7-теорема. L Лейбниц алгебраси бўлсин. Ушбу алгебра учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

(1) $\text{InnDer}(L) \subset \text{CDer}(L) \Leftrightarrow L^3 = \{0\}$.

(2) Агар $\text{Center}(L) \neq \{0\}$ ва $\text{InnDer}(L) = \text{CDer}(L)$ бўлса, у ҳолда $L^2 = \text{Center}(L)$ ва $\dim \text{Center}(L) = 1$ тенгликлар бажарилади.

(3) $\text{Der}(L) = \text{CDer}(L) \Leftrightarrow L$ – абел алгебра.

Диссертациянинг “Тўла идеалга эга бўлган Лейбниц алгебралари” деб номланган 3-боби тўла Лейбниц алгебраларига бағишланган. Биз ушбу бобда радикали тўла алгебрадан иборат бўлган баъзи тўла Лейбниц алгебраларини қурамыз ҳамда тўла Лейбниц алгебраларининг тўғри йиғиндиси тўла бўлишини исботлаймиз. Ли алгебралар назариясидан маълумки, тўла идеалга эга бўлган Ли алгебраси ажраладиган бўлади. Биз ушбу натижани Лейбниц алгебралари учун муҳокама қилиб, Лейбниц

алгебраларининг баъзи синфлари учун бу натижа ўринли эканини кўрсатамиз.

8-теорема. L Лейбниц алгебраси иккита идеалларнинг тўғри йиғиндисидики ўринишида тасвирланган бўлсин, яъни,

$$L = L_1 \oplus L_2.$$

У ҳолда

1) $Center(L)$ қуйидаги ўринишга эга бўлади:

$$Center(L) = Center(L_1) \oplus Center(L_2).$$

2) Агар $Center(L) = \{0\}$ шарт ўринли бўлса, у ҳолда қуйидаги муносабат бажарилади:

$$InnDer(L) = InnDer(L_1) \oplus InnDer(L_2),$$

$$Der(L) = Der(L_1) \oplus Der(L_2).$$

3) L алгебра тўла бўлиши учун L_1 ва L_2 алгебраларининг тўла бўлиши зарур ва етарлидир.

Тўла Лейбниц алгебралари учун қуйидаги гипотезани келтираамиз.

Гипотеза. Агар L Лейбниц алгебраси R тўла идеалга эга бўлса, у ҳолда шундай S идеал мавжудки, $L = R \oplus S$ муносабат ўринли бўлади.

Айтайлик, R нильрадикали NF_n нол-филиформ алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. И.А. Каримжанов томонидан ушбу R алгебрада кўпайтмалар жадвали қуйидаги ўринишга эга бўладиган $\{e_1, e_2, \dots, e_n, x\}$ базис мавжудлиги исботланган:

$$R(NF_n): \begin{cases} [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 1 \leq i \leq n-1, \\ [x, e_1] = -e_1, \\ [e_i, x] = ie_i, & 1 \leq i \leq n. \end{cases}$$

Анқоча ва бошқалар томонидан эса $R(NF_n)$ ечилувчан Лейбниц алгебраси тўла эканлиги кўрсатилган.

Кейинги теоремада $L = R(NF_n) + \mathfrak{sl}_2$ ўринишга эга бўлган L Лейбниц алгебралари идеалларнинг тўғри йиғиндисига ёйилиши келтирилган. Бунинг маъноси шундан иборатки, ярим содда қисми \mathfrak{sl}_2 алгебра ҳамда тўла идеали $R(NF_n)$ ечилувчан алгебралардан иборат бўлган L Лейбниц алгебралари учун юқоридаги гипотеза бажарилади.

9-теорема. Айтайлик, L Лейбниц алгебраси $L = R + \mathfrak{sl}_2$ ўринишдаги ёйилмага эга бўлсин. Агар R – нильрадикали NF_n нол-филиформ алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлса, у ҳолда $L = R \oplus \mathfrak{sl}_2$ ўринли бўлади.

Характеристик кетма-кетлиги (m_1, \dots, m_s) ва кўпайтмалар жадвали қуйидагича бўлган нильпотент алгебрани қараймиз:

$$[e'_t, e'_1] = e'_{t+1}, \quad 1 \leq t \leq s, \quad 1 \leq i \leq m_t - 1.$$

Ушбу алгебра одатда N_{m_1, \dots, m_s} ўринишда белгиланади. Ў.Х. Мамадалиев ва Б.А. Омировларнинг ишларида нильрадикали N_{m_1, \dots, m_s} алгебра ҳамда нильрадикалнинг ко-ўлчами s га тенг бўлган ечилувчан Лейбниц

алгебрасининг қуйидагича таснифи олинган:

$$R(N_{m_1, \dots, m_s}, s) : \begin{cases} [e_i^t, e_1^1] = e_{i+1}^t, & 1 \leq t \leq s, 1 \leq i \leq m_t - 1, \\ [e_i^1, x_1] = ie_i^1, & 1 \leq i \leq m_1, \\ [e_i^t, x_1] = (i-1)e_i^t, & 2 \leq t \leq s, 2 \leq i \leq m_t, \\ [e_i^t, x_i] = e_i^t, & 2 \leq t \leq s, 1 \leq i \leq m_t, \\ [x_1, e_1^1] = -e_1^1, \end{cases}$$

бу ерда $\{x_1, \dots, x_s\}$ – нильрадикалнинг тўлдирувчи қисм фазосининг базиси.

Бундан ташқари, улар томонидан $R(N_{m_1, \dots, m_s}, s)$ ечилувчан Лейбниц алгебраси тўла эканлиги исботланган.

10-теорема. Айтайлик, L Лейбниц алгебраси $L = R + \mathfrak{sl}_2$ кўринишдаги ёйилмага эга бўлсин. Агар R ечилувчан идеал $R(N_{m_1, \dots, m_s}, s)$ алгебрадан иборат бўлса, у ҳолда $L = R \oplus \mathfrak{sl}_2$ ўринли бўлади, яъни L идеалларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ёйилади.

Бизга $R = N \oplus Q$ кўринишда тасвирланган ечилувчан Лейбниц алгебраси берилган бўлиб, ушбу $\dim Q = \dim N / N^2 = k$ шарт ўринли бўлсин. Қ.К.Абдурасулов томонидан ушбу R алгебра учун шундай $\{e_1, e_2, \dots, e_n, x_1, x_2, \dots, x_k\}$ базис мавжуд бўлиб, ундаги кўпайтмалар жадвали қуйидаги кўринишда бўлиши кўрсатилган:

$$\begin{cases} [e_i, e_j] = \sum_{t=k+1}^n c_{i,j}^t e_t, & 1 \leq i, j \leq n, \\ [e_i, x_i] = e_i, & 1 \leq i \leq k, \\ [x_i, e_i] = (b_i - 1)e_i, & b_i \in \{0, 1\}, 1 \leq i \leq k, \\ [e_i, x_j] = a_{i,j} e_i, & k+1 \leq i \leq n, 1 \leq j \leq k, \\ [x_j, e_i] = \sum_{t=1}^q b_{j,i}^t e_t, & k+1 \leq i \leq n, 1 \leq j \leq k, \end{cases}$$

бу ерда $a_{i,j}$ сони e_i , $i = k+1, \dots, n$ элементнинг ҳосил бўлишидаги e_j , $j = 1, \dots, k$ элементнинг неча маротаба иштирок этишини билдиради.

Шунингдек, Қ.К.Абдурасулов томонидан $\dim Q = \dim N / N^2$ шартни қаноатлантирувчи $R = N \oplus Q$ кўринишда тасвирланган ечилувчан Лейбниц алгебраси тўла эканлиги ҳам исботланган.

Кейинги теоремада ярим содда қисми \mathfrak{sl}_2 алгебра ҳамда радикали $R = N \oplus Q$ кўринишга эга бўлган $\dim Q = \dim N / N^2$ шартни қаноатлантирувчи ечилувчан алгебрасидан иборат бўлган L Лейбниц алгебраси учун юқоридаги гипотеза бажарилиши келтирилган.

11-теорема. Айтайлик, L Лейбниц алгебраси $L = R + \mathfrak{sl}_2$ кўринишдаги ёйилмага эга бўлсин. Агар $R = N \oplus Q$ – ечилувчан Лейбниц алгебраси учун $\dim Q = \dim N / N^2$ шарт ўринли бўлса, у ҳолда $L = R \oplus \mathfrak{sl}_2$ ўринли бўлади, яъни L идеалларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ёйилади.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация тўла идеалга эга бўлган чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларини таснифлашга ҳамда Лейбниц алгебраларининг марказий ва нильпотент дифференциаллашларини топишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Нильрадикали тўрт ўлчамли бўлган беш ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган;
2. Маркази ҳосилавий қисм алгебрада ётмайдиган Лейбниц алгебраси учун дифференциаллаш алгебрасининг нильпотент бўлмаслиги ҳамда бундай Лейбниц алгебраси ташқи дифференциаллашга эгалиги исботланган;
3. Лейбниц алгебралари учун бир вақтда марказий ва ички бўладиган дифференциаллашлар кўриниши топилган;
4. Нотривиал марказга эга бўлган Лейбниц алгебрасида марказий дифференциаллашлар тўплами ички дифференциаллашлар тўплами билан устма-уст тушиши учун Лейбниц алгебраси метабуел алгебра бўлиши зарур ва етарли шарт эканлиги исботланган;
5. \mathfrak{sl}_2 алгебра ва нильрадикали ихтиёрий характеристик кетма-кетликка эга бўлган ечилувчан идеалнинг ярим тўғри йиғиндисидан иборат бўлган Лейбниц алгебраси идеалларнинг тўғри йиғиндиси кўринишида тасвирланиши исботланган;
6. Ечилувчан идеали нильрадикалининг максимал кенгайтмасидан иборат бўлган Лейбниц алгебраси ажраладиган эканлиги исботланган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED
AFTER V.I. ROMANOVSKIY**

INSTITUTE OF MATHEMATICS

SHERMATOVA ZARINA KHAKIM QIZI

**CLASSIFICATION OF FIVE-DIMENSIONAL SOLVABLE LEIBNIZ
ALGEBRAS AND CERTAIN COMPLETE LEIBNIZ ALGEBRAS**

01.01.06-Algebra

**ABSTRACT OF DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

TASHKENT-2022

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.4.PhD/FM443.

Dissertation has been prepared at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website <http://kengash.mathinst.uz> and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal <http://www.ziynet.uz>.

Scientific supervisor:

Ayupov Shavkat Abdullayevich

Doctor of Physical and Mathematical Sciences,
Academician

Official opponents:

Kudaybergenov Karim Kadirbergenovich

Doctor of Physical and Mathematical Sciences,
Professor

Karimjanov Iqboljon Abdulazizovich

Doctor of Philosophy (PhD) physical and mathematical sciences

Leading organization:

National University of Uzbekistan

Defense will take place "29" March 2022 at 16:00 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovsky. (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)


Dissertation is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovsky (is registered №132). (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of dissertation sent out on «11» March 2022 year
(Mailing report № 2 on «11» March 2022 year)




U.A.Rozikov
Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor


J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees, D.F.-M.S., Senior researcher


B.A.Omirov
Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor

INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)

Actuality and demand of the theme of the dissertation. In the world, as well as theoretical physics, many objects of mathematics are studied through non-associative algebraic methods. In particular, Lie and Jordan algebras arose as a tool of quantum mechanics. On the other hand, Lie algebras, being non-associative, reflect the essential properties of Lie groups. At the beginning of the development of the theory of Lie algebras, the theory developed exclusively as an application of Lie groups, later it acquired an independent character. Many concepts and properties that exist in Lie groups were also determined for Lie algebras, and then they were extended to a number of generalizations of Lie algebras. Problems of defining the completeness of Leibniz algebras, which are one of the important generalizations of Lie algebras, finding their inner and outer derivations and classification of Leibniz algebras have become one of the actual and important tasks of modern algebra.

At the moment, since varieties of Leibniz algebras have some classes including all complete Lie algebras, it is necessary to take into account several factors to defining the concept of complete Leibniz algebras. Therefore, some scientists used different approaches to introduce the notion of complete Leibniz algebras, and later it was accepted that a Leibniz algebra is called complete if its center is trivial and all derivations are inner, as in Lie algebras. Such algebras are also important from a cohomological point of view and many complete Leibniz algebras belong to the class of cohomologically rigid algebras. In this regard, the main problems are: to classify complete Leibniz algebras, to show that Leibniz algebra with complete ideal is split, to prove that the given algebras have outer derivations, to describe Leibniz algebras.

In our country much attention has been paid to mathematics, physics, geology and biological sciences, which have scientific and practical applications of fundamental sciences. In particular, special attention was paid to the development of fundamental research on non-associative algebras. Within the frame of this fundamental research, significant results have been obtained in the study of complete Leibniz algebras. Conducting research² at the level of international standards on the priority areas “Algebra and Functional Analysis” is the main task and direction of activity of mathematics. To ensure the implementation of the task, it is important to develop the theory of complete Leibniz algebras for the application of scientific results in the relevant field of science.

